



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 13 » yanvar

№ 13

Toshkent sh.

Тошкент шаҳри марказлашган иссиқлик таъминоти корхоналарини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Тошкент шаҳрида электр ва иссиқлик энергетикаси соҳасини ислох қилиш, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш бошқарув тизимига илғор хорижий тажрибани қўллаш, соҳа объектларини реконструкция қилиш орқали иссиқлик ва электр энергияси таъминотини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Тошкент иссиқлик маркази” давлат унитар корхонасини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш (кейинги ўринларда – Жамият);

2023 йил 1 февралга қадар Жамият устав капиталидаги улушни қолдиқ (баланс) қийматда “Иссиқлик электр станциялари” АЖга унинг устав фондидаги давлат улушини ошириш ҳисобига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

Жамият “Тошкент иссиқлик маркази” давлат унитар корхонасининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Жамият активлари (мулклари) инвентаризациядан ўтказилади ва Жамият устав капитали миқдори уларни баҳолашдан ўтказмаган ҳолда, солиқ органларига тақдим этилган охириги бухгалтерия баланси маълумотида асосан, унинг амалдаги устав капитали миқдорида белгиланади;

Солиқ кодексига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ўтказилаётган мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, жумладан устав капиталидаги улушлар қиймати, шу жумладан уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида солиққа тортишнинг барча турлари бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

3. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ:

Тошкент шаҳрида аҳолига ва иктисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун ўз вақтида сифатли иссиқлик энергиясини узатиш вазифаси юклансин;

бошқарувга қабул қилинаётган Жамиятга тегишли қозонхоналарнинг техник ҳолатини тўлиқ хатловдан ўтказиб, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида қозонхоналарни босқичма-босқич реконструкция қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2023 йил 1 мартга қадар Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлиги 2023 йил 1 апрелга қадар республикадаги иссиқлик марказлари фаолиятини ўрганиб чиқиб:

иссиқлик марказларини 2023 йил 1 июндан бошлаб босқичма-босқич “Иссиқлик электр станциялари” АЖга бериш;

иссиқлик узатиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва уларни кейинчалик эксплуатация қилиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иктисодиёт ва молия вазирлиги:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ марказий аппаратининг иссиқлик марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлинмасида қўшимча 6 та штат бирлигини жорий қилиш;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23-уйда жойлашган “Иссиқлик электр станциялари” АЖга оператив бошқарув ҳуқуқида берилган бино ва иншоотни баҳоланган қийматда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ устав капиталига бериш бўйича тегишли бошқарув органлари қарорларини қабул қилсин.

Бунда, бино ва иншоотнинг баҳоланган қиймати ва қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ жамият устав фондига давлат улуши сифатида киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов ва Тошкент шаҳар ҳоқими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов